*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
26 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 103
(12.531)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

## «ФЕРМЕРЛИКДАН НОНИМИЗ БУТУН БЎЛДИ»

***дейишмоқда Қуйи Чирчиқ туманидаги "Акбархон Баҳодирхон" фермер хўжалиги аъзолари***

Йил-ўн икки ой далада ишлаб, ёзнинг жазирамасию қишнинг қаҳратони демай, заҳмат чекиб келган деҳқон бугун фермерлик ва эркин меҳнат нима беришини ўз тажрибасида кўриб турибди. Фермер хўжалиги аъзоси сифатида бутун оиласи билан ишлаётган бир парча ижара ери унда мулкдорлик ҳиссини уйғотди, турмушини бутунлай ўзгартириб юборди. Энди унинг рўзғори тўкис, усти бут, орзу-ҳаваси рўёбга чиқаяпти.

Бу фақат бизнинг фикримиз эмас. Қуйи Чирчиқ туманидаги "Акбархон Баҳодирхон" фермер хўжалиги аъзолари шундай дейишяпти. Улар 32 киши, яъни 32 оила. 200,2 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти.

Бу йил хўжалик ғаллакорлари "Замин" буғдой навини экиб, 80 центнердан хирмон кўтаришди. Бу рекорд ҳосил десак, унчалик тўғри бўлмайди. Чунки улар 5 йилдан бери, яъни фермер хўжалиги ташкил этилгандан буён шундай ҳосил олишяпти.

(Давоми 2-бетда).



Даврон АҲМАД олган сурат.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба дам олиш кунлари мос равишда 2012 йил 31 декабрь душанба ва 2013 йил 2 январь чоршанба кунларига кўчирилсин;

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 декабрь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ**
**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXII сессияси 2012 йил 28 декабрь куни соат 10-00 да вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залига чақирилсин.

**Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 24 декабрь.

**2013 йилнинг баҳорида Тошкентда кимё фани бўйича ўқувчилар ўртасида Менделеев номидаги 47-халқаро олимпиада бўлиб ўтади. Менделеев номидаги халқаро олимпиада Москва давлат университети томонидан ҳар йили ўтказилади.**

## КИМЁ ФАНИ ОЛИМПИАДАСИ ПОЙТАХТДА

2004 йилдан буён мазкур халқаро олимпиадада Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўқувчиларидан ташқари, Болгария, Македония ҳамда Руминия вакиллари ҳам иштирок этиб келишмоқда.

Мазкур анжуманда кимё фани бўйича миллий олимпиадаларда ғолиб бўлган мактаб битирувчилари ва ундан кейинги синф ўқувчилари қатнашади. Халқаро олимпиада иштирокчилари қайси синф ўқувчилари эканликларидан қатъи назар бир хил масалани ечишади.

Олимпиада уч турдан иборат бўлади. Иштирокчи мамлакатлар жамоалари аъзолари сони квота билан белгиланади. Мезбон мамлакат энг кўп аъзо жамланган жамоа билан олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз мазкур олимпиадага иккинчи марта мезбонлик қилади. Бундан олдин 2008 йилда Менделеев номидаги 42-халқаро олимпиада Тошкентда ўтказилган эди.

**"Туркистон-пресс".**

## ПАРЛАМЕНТДА МЕНИНГ ЎРНИМ

**Пойтахтимизда "Парламентда менинг ўрним" лойиҳасининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда 8 минг нафар йигит-қизлар 350 дан зиёд лойиҳаси билан иштирок этди.**

2010 йилдан буён мазкур лойиҳа доирасида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати", "Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати", "Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати" каби номинациялардан иборат "Агар мен депутат бўлсам" танлови ҳам ташкил этилмоқда.

Тадбирда танловнинг республика босқичи иштирокчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонунлар тайёрлаш жараёни билан танишдилар. Ёшлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга оид қонун лойиҳалари ҳақида фикр алмашдилар.

**Алиёр ОРИПОВ**
**"Туркистон-пресс".**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН 2013 ЙИЛДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ УЧУН ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1992 йил 1-сон 45-модда; 1993 йил 9-сон 329-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2000 йил 5-6-сон 153-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2009 йил 15-сон 186-модда) талаблари асосида, вилоят ҳудудидаги бўш турган бино-иншоотлардан оқилона фойдаланиш, уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ҳамда кутилаётган ҳаражатлар билан корхона ва ташкилотларнинг ижара тўловидан тушадиган даромадларни тартибга солиш мақсадида**
**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Молия вазирликлари ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг давлат кўчмас мулклари бўйича келишилган ижара тўловларининг энг кам ставкалари ҳисоб-китоблари 2012 йил 10 декабрдаги 14-сон, БЮ/03-04-06/182 ва 01/14-48-сон хатлари билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Вилоятда давлат кўчмас мулкидан 2013 йил давомида фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага, ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага, туман ва шаҳарлар марказларидан олисда ва тоғли ҳудудларда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат мулкини балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари:

– йил чорагида камида бир марта ўзининг тасаррўфида бўлган давлат мулкини хатловдан ўтказишлари;

– фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларнинг марказга ўз вақтида, тўлиқ, шунингдек ижарага берилаётган мол-мулкнинг тикланиш қиймати тўғрисида тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги;

– давлат мулкини ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сонини атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижасида ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги учун бевосита қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

4. "Тошкент вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси раҳбари (А. Хакимов)га:

– давлат мулкини ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш, ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш, ижарага бериладиган мулклар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, ижарага берилган мулкни ҳар чоракда хатловдан ўтказиш;

– ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

– фойдаланилмаётган давлат мулкини ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини даврий нашрларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида ҳар чоракда камида бир марта жойлаштириш;

– вилоят ҳудудида фойдаланилмаётган, бўш турган бинолар ва иншоотларни аниқлаб, самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда ижарага бериш;

– вилоят бўйича мавжуд давлат кўчмас мулки ва уларни ижарага бериш натижасида иш билан таъминланган қўшимча ишчи ўринлари ҳақида вилоят ҳокимлигига ҳар чоракда маълумот бериш вазифалари юклатилсин.

5. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Д. Файзуллаев), шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага берилаётган давлат мулкини ҳисоботини тўғри юритиш ва бюджетга қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкини балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда "Ижара маркази" билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсинлар.

6. Шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур қарорнинг 2-иловасидан келиб чиқиб, мулкнинг жойлашган манзилини инобатга олган ҳолда ҳудудий зоналарни (1-2-3-4-зона) 2012 йил 28 декабрга қадар белгилаш юклатилсин.

7. Вилоят ҳудудида 2013 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

8. Мазкур қарор "Тошкент ҳақиқати", "Ташкентская правда" газеталарида эълон қилингач, 2013 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилиши белгилансин ҳамда шу муносабат билан вилоят ҳокимининг 2011 йил 28 декабрдаги 254-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.**

(Мазкур қарорга илова 3-бетда).

МАЪНАВИЯТ

## БУНЁДКОРЛИК – МАҚСАДИМИЗ

**Ҳар бир йилнинг ўз юки, салмоғи бор. Мустақиллик йиллари қанчалик самарали кечаётганини бутун дунё мамлакатлари кўриб, кузатиб, муносиб баҳолаб турипти.**

Мамлакатимиз жаҳонни қамраб олган иқтисодий танглик шароитида ҳам иқтисодиётни барқарор ривожлантириб, ўзи танлаб олган йўлнинг нақадар тўғрилигини исботламоқда. Шу ҳақда гапириб, Давлатимиз раҳбари "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган бунёдкорлик чора-тадбирларининг қадамба-қадам бажарилиши мамлакат иқтисодиётини юксалтириб, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда улкан босқич бўлиб қолажагини таъкидлади. Ялпи маҳсулот кўпайиб, уй-жой қурилиши кенгаймоқда. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатлари барқарор ўсяпти. Хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланмоқда. Натижада минглаб янги иш ўринлари барпо этилиб, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари доимий иш жойларига эга бўлмоқдалар.

Бу жараёнлар якунланаётган Мустаҳкам оила йилининг ҳар биримизда эртанги кунга ишончни кучайтириб, келажакка умидли қадамларимизни яна ҳам шаҳдамлаштирмоқда. Қизғин давом этаётган яратувчилик ишларининг салмоғини замонавий технологиялар асосида маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган янги-янги корхоналар жамоаларининг меҳнатида қандай мужассамлашаётганини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Вилоятимизнинг катта-кичик шаҳар ва туманларига чиқилса, истиқболли дастурлар асосида бунёд этилаётган янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилаётганини, қадим Буюк Ипак йўлларида замонавий андозаларга жавоб берувчи автомагистраллар бунёд этилаётганини, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган мукаммал уй-жойларни кўриш мумкин.

Бугунги бунёдкорлик ишларимиз аниқ режалар, истиқболли дастурларга асосланган. Йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоятимиз шаҳар ва туманларида 359 та ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулот бера бошлади. 4 минг 370 киши уларда муқим иш ўринларига эга бўлди. Бунинг учун 27 миллион 4 минг АҚШ доллари ва 108,7 миллиард сўм миқдорида сармоя сарфланди. Янгийўл туманида 15 миллиард сўм маблағ сарфланиб, "Мастер Глобал плюс" ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш лойиҳаси амалга оширилди. Янги корхоналарнинг 36 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараяпти. 18 таси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишламоқда. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам 34 тага кўпайди. Оҳангарон туманида "Ўзметаллинвест" хусусий корхонаси каркас-панелли коттежлар ишлаб чиқара бошлади. Бўстонлиқ туманида "Лотос Голд" қўшма корхонаси ишга туширилди. Умумий қиймати 750 миллион сўм бўлган бу лойиҳани амалга ошириш натижасида 110 та янги иш ўрни барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

ОГОҲЛИК

**Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, халқимиз фаровонлигининг тобора юксалиши, тинчлик, осойишталик ва барқарорлик, барча соҳалардаги улкан ютуқларимиз мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир. Айни кунларда мамлакатимизда Янги йил байрамини юқори савияда ва мазмунли нишонлаш, байрам тадбирларини ҳамжиҳатлик билан ўтказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

## БАЙРАМНИ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЎТКАЗИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Миркомил МИРФАЙЗИЕВ билан бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

– Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади, – дейди М. Мирфайзиев. – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимизда қарор топган ўзбекона меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили янада мустаҳкамланиб бормоқда. Тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, осуда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки ўзини шу муқаддас заминнинг фарзанди деб билган ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканлигини юртдошларимиз чуқур англайди.

Янги йил байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларимиздаги, хонадонларимиздаги хотиржамлик ҳамда кўтаринки кайфиятни кўриб, кўзи қувонади кишининг. Зотан, осойишта ҳаёт аввало, бу одамларнинг ўзаро аҳил-иноқ яшаб, байрамларни баҳамжиҳат ўтказишидир.

Тинч, осойишта ва обод ҳаётни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ободлик деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-баракa ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади. Ҳаётимиздаги ҳар бир улкан воқеанинг юртимизда тинч, осойишта ва юксак савияда ўтишини таъминлаш вазифаси ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. "Президент арчаси", Янги йил байрами тадбирларининг юқори савияда, муносиб ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш учун вазирлигимиз томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, барча шаҳар ва туманлар марказларида, қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллаларда, байрам тантаналари ўтадиган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Вилоят ҳаёти ● Вилоят ҳаёти ○ Вилоят ҳаёти ● Вилоят ҳаёти ○ Вилоят ҳаёти ● Вилоят ҳаёти**

### ЗАНГИОТА ТУМАНИ
## ЗАМОНОВИЙ УЙЛАР

**Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қишлоқларда кўркам, барча қулайликларга эга уйлар қурилмоқда.**

Обод турмуш йилида Ўртаовул, Файз, Ҳасанбой, Кенсой, Эркин, Қуёшли, Кўксарой ҳамда Оқтом қишлоқларида шундай уйлар қуриш режалаштирилган. Янги уйлар 15 йил муддатга 7 фоизли имтиёзли кредитлар ҳисобига берилади. Смета нархининг 25 фоизи миқдоридаги бўнак пули олдиндан тўланади. Банк билан шартнома тузилгач, қолган қоплама қисми бир ой ичида тўланади. Кредит маблағи 15 йил давомида тўлаб борилади.

Қурилаётган уйлар 3, 4 ва 5 хонали бўлиб, айни кунда фуқаролардан аризалар қабул қилинмоқда.

**Зилола АЛИЕВА.**

### БЕКОБОД ТУМАНИ
## 400 КИШИЛИ ТЎЙХОНА

**Тумандаги Хос қишлоғида янги тўйхона иш бошлади.**

"Аббос Омад" МЧЖ саъй-ҳаракатлари билан қаровсиз ётган омборхона замонавий 400 кишига мўлжалланган тўйхонага айланди.

Тўйхона иш бошлаши билан 10 киши муқим иш ўрнига эга бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

### БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ
## СОҒЛОМ ОИЛА – ОБОД ТУРМУШ

**Хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-ҳунар коллежида "Соғлом оила – юрт таянчи" лойиҳаси доирасида "Соғлом турмуш тарзининг шаклланишида атроф-муҳитнинг ўрни" мавзусида ёшлар ижтимоий акцияси бўлиб ўтди.**

Тадбирда ҳокимлик вакиллари, хотин-қизлар ва табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, соғлиқни сақлаш, саломатлик ва тиббий статистика институти ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

Акцияда туман ёшлари атроф-муҳитни муҳофаза қилишда амалга оширишлари мумкин бўлган хайрли ишлар хусусидаги тақдимотларини намойиш этдилар.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

### БЕКОБОД ШАҲРИ
## ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАШЯПТИ

**"Ўзбекистон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг 1-навли прокат цехи йилни муваффақиятли якунламоқда.**

Шу кунгача 173,1 минг тонна маҳсулот истеъмолчиларга жўнатилди.

Цеҳда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 164,5 минг тоннаси (101,6 фоизи)ни пўлат золдирлар ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқори кўрсаткич.

**Ўз мухбиримиз.**

МАЪНАВИЯТ

# БУНЁДКОРЛИК – МАҚСАДИМИЗ

Бундай янги корхоналарнинг ишга туширилиши рақобатга бардошли маҳсулот турлари ва ҳажмини кўпайтирмоқда. Ишлаб турган корхоналарни жаҳон андозаларига мос техник ва технологик модернизация қилиш дастурлари ижросига қўшилиб, бу жараён мамлакатимизнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини тобора оширмоқда. Дастлабки тўққиз ойда саноатнинг озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тармоғида 121,5, тиббиёт ускуналари тармоғида 138,9, электр энергетикада – 145,1, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғида 116,3 фоиз ўсишга эришилгани бунинг яққол далилидир.

Вилоят ҳокимлиги бир қатор саноат корхоналари билан биргаликда таъсирчан чора-тадбирлар дастурини изчил амалга оширишга эришди. Натижада 26 та корхонада 56 миллиард сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилиши таъминланди. Айни пайтда янги ишга туширилган ва модернизация қилинган корхоналар 330 миллиард сўмликка яқин қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларининг қатъият билан амалга оширилиши иқтисодиётни барқарор ривожлантириш имкониятларини кенгайтиряпти. Тўққиз ойда 20 та корхона шу йўналишдаги 57 та лойиҳани муваффақиятли бажарди. Бу 38,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 511,8 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имконини берди.

Бу жараён сўнгги ойларда ҳам қизғин давом эттирилиши ўз самарасини берди. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида январь-ноябрь ойларида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар сезиларли даражада яхшиланди. Чунончи, ўн бир ойда саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 107,5 фоизни ташкил этди. Вилоят саноат корхоналарида 5 триллион 732 миллиард 471 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шу муддатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасида 112,8, пудрат ишларида 107,1, умумий хизматлар соҳасида 111,9, чакана савдода 111,5, пулли хизматлар кўрсатишда 115 фоиз ўсишга эришилди. Деярли 1,8 триллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, пудрат ишлари ҳажми деярли 700 миллиард сўмликка етди. Аҳолига 3 триллион 618 миллиард 500 миллион сўмликдан кўпроқ чакана савдо хизмати кўрсатилди.

Шаҳар ва туманларда йирик лойиҳа ва дастурларнинг тобора изчил бажарилаётганини, бу ютуқларнинг асоси сифатида таъкидлаш жоиз. Кейинги ойларда Чирчиқ шаҳри, Зангиота, Қибрай, Янгийўл туманларида саноат ишлаб чиқариш барқарор ўсиб бораётир. Ўн бир ойда Олмалиқ шаҳри саноат корхоналари 1 триллион 773 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, иқтисодиётни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. Шу муддатда Зангиота тумани ички ва ташқи бозорларга 565,7 миллиард сўмликдан зиёд халқ истеъмоли маҳсулотлари етказиб берди. Бу борадаги башорат кўрсаткичлари Ангренда 125, Бекобод шаҳрида 118 фоиз бажарилди.

Бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб бораётганлигини тасдиқловчи мисоллар ҳам оз эмас. Бекобод шаҳрида бу борада энг юқори кўрсаткичга эришилган. Чунончи, ўн бир ойдаги ўсиш суръати 128 фоизга етди. Зангиота, Қуйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларида ҳам юқори суръатга эришиляпти.

Айни пайтда рақобатбардош маҳсулотлар тури кўпаймоқда. VI Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида вилоятимиздаги 55 та корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, 61,2 миллиард сўмлик шартномалар имзолади.

Вилоят иқтисодий салоҳиятининг юксалиб боришида кичик бизнеснинг ҳиссаси ортиб бораётир. 2010-2012 йиллар давомида 520 дан ортиқ янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларининг 90 фоиздан ортиғи шу соҳа намояндалари томонидан амалга оширилди. Шу ва бошқа тадбиркорлик бизнес-лойиҳалари бўйича 4 минг 900 дан ортиқ тадбиркорга жами 297,2 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу бир йил олдингидан 72,9 миллиард сўм кўпдир.

Яратилаётган имтиёзлар, берилаётган енгилликлар кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик ҳаракати кўламларини кенгайтиряпти. Бугун шаҳар ва қишлоқларда 39 мингтага яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаяпти. Ҳозир вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг улуши 59,2 фоиздан ортди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2013 йил Обод турмуш йили, деб эълон қилинди. Табиийки, юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги бунёдкорлик ишлари, ишлаб чиқариш қувватининг ўсиши билан белгиланади. Ҳозир ишлаб чиқишга киришилган "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида белгиланадиган режалар, лойиҳалар оғишмай бажарилиши, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиётининг янги юксалиш поғонасига кўтаради, мустақил Ўзбекистонимиз салоҳиятини янги куч билан намоён этади, халқимиз моддий ва маданий турмуш даражасини сезиларли оширишга хизмат қилади. Мамлакатимизда қарор топган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва динлараро тотувлик руҳи барча орзу-истакларимиз рўёбга чиқажаги, турмуш тарзимиз яна ҳам яхшиланишидан далолатдир.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# БАЙРАМНИ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЎТКАЗИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимизда, айниқса, унинг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларида ички ишлар идоралари ходимларининг хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш борасидаги хизматларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар марказларида ички ишлар идоралари ходимлари ва маҳалла посбонларидан иборат патруль гуруҳлари тузилиб, уларнинг огоҳлиги ва фаоллиги янада оширилди.

Байрамни тинч ва осуда ўтказиш учун жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни янада кучайтириш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ижобий профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида "Тозалаш – Антитеррор" тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда. Тадбирни ўтказишда маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бу борадаги профилактик ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида маҳаллалар, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида учрашувлар ўтказилмоқда.

ОГОҲЛИК

Жойларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, кўнгилсиз ҳолатларнинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида ҳозирги кунда маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг вакилларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, байрам тадбирлари ўтказиладиган барча масканларнинг техник ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати атрофлича ўрганиб чиқилмоқда. Текширувлар мобайнида янги йил арчалари очиқ жойларда ўрнатилиши ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва транспорт воситалари билан боғлиқ нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда. Байрам иштирокчиларини белгиланган манзилларга олиб бориш, олиб келиш ва кузатишга жалб этиладиган барча турдаги автотранспорт воситаларининг техник ҳолати текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

– Янги йил байрами тадбирларини ўтказиш жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

– Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганидан халқимизнинг яхши хабари бор. Юксак малака ва замонавий техникага эга бўлган давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун эл-юрт тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилмоқда. Янги йил байрамини ёнғин билан боғлиқ турли кўнгилсизликларсиз ўтказиш мақсадида тегишли хавфсизлик чоралари кўрилди. Аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари янада кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида корхоналар, ташкилотлар, маҳаллалар, ўқув муассасаларида мазкур масалага бағишланган семинарлар, учрашувлар ташкил этилди. Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб борди. Бу кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Чунки ёнғин хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолияти ва ҳаётига бевосита дахлдордир. Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилгани ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларини янада кучайтириш имконини бермоқда. Жумладан, 2009 йилда қабул қилинган "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ёнғинларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида масъулият юклатилган. Шу боис бу борадаги ишларга уларни ҳам кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корхона ва ташкилотларда ўтказилган назорат текширувлари натижасида ёнғин чиқиш хавфи бўлган 431 цех ва омборнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 6700 дан зиёд носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди. Ёнғин хавфсизлиги талабларини қўпол равишда бузган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Хонадонлар ва кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ушбу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида ёнғинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 13 фоизга камайди.

– Пиротехника воситаларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқадиган кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

– Маълумки, миллий ва халқаро таснифга мувофиқ, пиротехника буюмлари биринчи тоифага мансуб портловчи материаллар ва буюмларнинг алоҳида тоифаларига киритилган.

Мамлакатимизда портловчи ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлашни назорат қилиш ишлари тизимли асосда амалга оширилмоқда. "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши ва ишлатилишининг олдини олиш, пиротехника воситаларини қўллаган ҳолда маданий-томоша тадбирларини ўтказишда хавфсизлик чораларини кучайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу қонун пиротехника буюмларининг ноқонуний айланишининг ва улардан қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган давлат назоратини самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларига риоя этишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Афсуски, пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда мамлакатимизга олиб кириш, сотиш ва фойдаланиш ҳолатлари, кам бўлса-да, ҳамон учраб турибди. Шу боис ички ишлар, солиқ, божхона идоралари ходимлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат махсус гуруҳлар иштирокида мамлакатимиз ҳудудида пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирлар жараёнида чегара ҳудудларда ҳаракатланаётган автомашина ва йўловчилар, чегаралар яқинида жойлашган дўкон ва савдо расталари, хонадон ва иншоотлар синчиклаб текширилмоқда. Натижада шу кунгача пиротехника воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 21 ҳолат аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан қарийб 6 миллион сўмлик 60 мингга яқин пиротехника воситалари олиниб, ўрнатилган тартибда йўқ қилинди.

Янги йил байрамининг юқори савияда ўтишини таъминлашга тайёргарлик ишлари қизғин бораётган ҳозирги кунларда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига эътиборни янада кучайтириш, турли кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад – хонадонларимизда, маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда байрамни тинч-осойишта, қувончу шодиёналар билан нишонлашни таъминлашдир. Бу олижаноб мақсад наинки ички ишлар ходимлари, айни пайтда ҳар бир юртдошимиздан ҳушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжиҳат бўлишни талаб қилади. Зеро, ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлиш нафақат байрамлар шукуҳини, балки кундалик турмушимизнинг ободлигини таъминлаб, файзу баракасини янада оширади.

**ЎзА мухбири Беҳзод НОРБОЕВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

**Ўзбек халқи оилага алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб, уни эъзозлайди ва бутун ҳаётини оиласига бахш этади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган қадрият, анъана ва урф-одатларимиз айнан оилаларда сақланиб келинмоқда.**

# ШАРТНОМА – ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

Аммо баъзан анъаналаримизга путур етказиш ҳоллари учраб туради. Айтмоқчимизки, арзимаган сабаблар билан ёш оилалар ажралиб кетади ва энг ёмони, ажралишлар низосиз кечмаяпти. Бундай низоли ишларда кўпинча аёлларнинг ҳуқуқи поймол этилаяпти, ажримдан сўнг ўзига тегишли мол-мулкни ололмай, овораю сарсон бўлмоқда.

Нозима билан Жасур севишиб турмуш қуришди. Аммо бир-икки йил ўтмай, қайнона келиннинг иш тутумидан камчилик ахтара бошлади. Оилада ғиди-бидилар кучайиб, судга ариза берилиб, ажрашиш даражасига етилди. Нозима қўлида боласи билан ота уйига қайтди, лекин бир йилдан бери мол-мулкини ололмай, овораю-сарсон. Эри томон унинг мебеллари, кўрпа-тўшаклари, тилла тақинчоқларини бермаяпти. Нозима судга ариза берди ҳам дейлик, бироқ ўртада никоҳ шартномаси тузилмаган бўлса, мол-мулки уники эканлигини қандай исботлайди? Тўғри, ўртада гувоҳлар тузилиб, мол-мулк ота-онаси томонидан ҳадя қилинганлиги тасдиқланади, аммо қанча асаббузарлик, судма-суд чопиш, давлат божини тўлаш ҳар қандай одамни толиқтириб қўяди. Никоҳ шартномасининг афзаллиги шундаки, у никоҳ бекор қилинганидан кейин ҳам амал қилади. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилиб нотариал идорада тасдиқланади.

Шартнома эр-хотиннинг ўртадаги мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташкил топади. Бир оғиз гап билан айтганда, никоҳ шартномаси оила мустаҳкамлигининг энг муҳим пойдеворларидан бири ҳисобланади.

**Солмаз ҒАФФОРОВА, ҳуқуқшунос.**

ХАЙР-ЭҲСОН ЎН КУНЛИГИ



# ЭҲТИЁЖМАНДЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Республика Президентининг 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирларига доир фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Ўрта Чирчиқ туман бўлими 10-20 декабрь кунлари хайр-эҳсон ўн кунлигини ўтказди.

Ушбу тадбир давомида ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд ва қўшимча кўмакка муҳтож оилалар, табиий офатлардан жабрланган аҳолига ёрдам кўрсатиш, шунингдек, жамиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Ўн кунлик доирасида жойларда жамиятнинг кўплаб бошланғич ташкилотлари тузилиб, ходимлар жамият аъзолигига жалб этилди.

Шунингдек, хайр-эҳсон ўн кунлиги давомида жамиятнинг туман ташкилоти ҳисоб-рақамига қўшимча хайрия маблағлари тушишига эришилди.

**Ўз мухбиримиз.**

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

# «ФЕРМЕРЛИКДАН НОНИМИЗ БУТУН БЎЛДИ»

Ғалла хирмондан ошиб-тошса, фермернинг ҳам, хўжалик аъзоларининг ҳам феъли кенгайиб, сахийлиги тутиб кетаркан. Мана, ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг: 86 гектар майдондан 688 тонна буғдой ўрибянчиб олинди. Давлатга шартномадаги 260 тонна ўрнига 360 тонна дон топширилди. Шунча ғаллани 11 аъзо етиштирган эди. Уларнинг уйи ҳам донга тўлди. Фермер бу уста ғаллакорларнинг ҳар бирига 5 тоннадан буғдой улашди. Аммо кези келганда айтиш керакки, бу ҳали ҳаммаси эмас. 32 аъзонинг ҳар бирига 500 килограммдан картошка, 200 килограммдан шоли ва мош тарқатилди. Буларни пулга чиқиб, оддий деҳқон қандай даромад кўраётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Дарвоқе, пахтадан келаётган даромад ҳам чакки эмас. Масалан, бу йил 114 гектар ернинг ҳар гектаридан қарийб 34,5 центнердан ҳосил олиниб, давлат эҳтиёжлари учун шартномадаги 342 тонна ўрнига 386 тонна пахта топширилди. Энг муҳими, шунча ҳосилнинг 92 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Демак, келадиган даромад ҳам салмоқли бўлади.

Даромадга қараб буромад деганларидек, уддабурон фермер деҳқончиликдан келаётган маблағнинг маълум қисмини хўжаликнинг техника паркини бутлашга қаратади. Баҳодирхон Аҳмедов айнан шундай қилаяпти. Ҳозир учта МТЗ-80, битта Т-4А трактори бор. Экиндан бўшаган ерлар аллақачон кузги шудгор қилиб қўйилган. Ҳамма техника воситалари барвақт таъмирланиб, созланиб, махсус қурилган бостирма остига жойлаштириб, ёғин-сочиндан ҳоли қилинган.

Кейинги йили яна битта МТЗ-12/21 ҳайдов трактори сотиб олмоқчи. Албатта, хўжаликнинг даромади ҳисобидан. Умуман, фермер хўжалиги тасарруфидаги техника воситаларининг ҳаммасини деҳқончиликдан келаётган даромадлари ҳисобидан харид қилган.

– Келгуси йил ҳосили учун 95 гектарга кузги буғдой экдик, – дейди фермер Баҳодирхон Аҳмедов. – Экиш олдидан гектарига 150 килограммдан фосфорли ўғит бериб, вақтида суғорганимиз учун уруғлик текис ва тўлиқ униб чиқиб, совуқ кунлар бошлагунча, яхши илдиз отиб, қалин туплади. Аслида шундай бўлиши керак. Экин – деҳқоннинг боласидек гап. Бола бошидан деганларидек, куздаёқ тўлиқ ва бўлиқ кўчат олинмаса, катта хирмонни умид қилиш бефойда. Буғдой етиштирувчи аъзоларимиз буни обдон ўрганишган. Ҳосилдорликнинг юқорилиги шундан.

Суҳбат орасида гап айланиб, келгуси режалар мавзусига тақалди. Зеро, фермерлик шунақа соҳаки, "бўлди, мен чўққини забт этдим, у ёғида эришадиган ҳеч нарса қолмади" деган гап бўлмайди.

– Тўғри, фермер эришганларига маҳлиё бўлиб, интилишдан, изланишдан тўхтаб қолмаслиги керак, – деди фермер. – Ҳозир ҳар қанча орзу-ният бўлса, бемалол рўёбга чиқарса бўладиган давр келди. Фермеру тадбиркор учун ҳамма шароит ва имкониятлар яратиб беріляпти. Шуларни ўйлаб, кейинги пайтда фермер сифатида пахтаю ғалла етиштириш билан бирга, хўжалигимиз қошида тадбиркорлик субъектлари барпо этиш хусусида бош қотираяпман. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурсам дейман. Унда нафақат савдо дўконлари, балки қишлоғимиз аҳли қандай хизмат турларига муҳтож бўлса, ҳаммасини муҳайё қилсам дейман. Ҳисоблаб кўрсам, ўндан зиёд янги иш ўринлари очилиши мумкин экан. Демак, яна шунча оила муқим даромад манбаига эга бўлади. Қолаверса, бу фермер хўжалигимизнинг Обод турмуш йилидаги биринчи йирик қадами бўлади.

Фермер Баҳодирхон Аҳмедовнинг орзулари – хайрли. Хайрли ниятлар учун ҳатто фаришталар ҳам "Омин!" дер экан. Халқ оғзидаги бу нақл бежиз айтилмаган.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ОБОД ТУРМУШ ГАРОВИ

**Бўстонлиқ туманидаги "Санжар" тантаналар мажмуасида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Умид нурлари" нодавлат нотижорат ташкилоти, соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Обод турмушнинг шаклланишида тиббий маданиятнинг ўрни" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Тадбирда ҳамкор ташкилотлар, фуқаролик жамияти институти, фуқаролар йиғинлари фаоллари ва коллеж ўқувчилари иштирок этишди. Семинар давомида қатнашчилар обод турмушни шакллантирувчи омиллар: тиббий маданият, экология, ННТлар ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятига доир маърузаларни тинглаб, амалий машғулотларда фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Саида РАҲМОНОВА.**

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ ОЛАСИЗ

# ТЕЛЕФОН БУЗҒУНЧИЛИК ВОСИТАСИ ЭМАС

***– Ёшлар орасида телефонларидаги фаҳш ва шафқатсизлик тасвирланган беҳаё суратларни тарқатиб юрганлар бор. Уларга нисбатан қандай маъмурий жавобгарлик бор? Катта ёшдагиларгачи?***

**Н. ЮСУПОВА, Тошкент шаҳри.**



– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 189-моддасида порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш, уни намойиш этганлик учун маҳсулотни ва уни тарқатиш воситаларини мусодара этиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача жарима солиш кўзда тутилган эди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга 2012 йил 13 апрелдан киритилган ўзгартишга мувофиқ энди шундай ҳаракат содир этганлик учун 16 ёшга тўлган вояга етмаганлар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

**Муҳайё КАРИМОВА, ҳуқуқшунос.**


ЭЪЛОН

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Пискент тумани СИБ томонидан 24.12.2009 й. ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч., Камаз-5320 русумли, д/р 11 Z 9600 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 617 039,20 сўм. Пискент туман "Бунёдкор" МЧЖда сақланмоқда. 2. Оққўрғон тумани СИБ томонидан 22.04.2011 й. ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и/ч., Ваз-21093 русумли, д/р X 688 WEM бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 836 539 сўм. 3. 24.08.2009 й. ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч., Opel Kadet русумли, д/р H 158 KM 36 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 241 977,9 сўм. 4. 26.10.2005 й. ижро ҳужжатига асосан Т-28, Х-4 русумли трактор, д/р сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 491 236 сўм. Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланмоқда. 5. Зангиота тумани СИБ томонидан № 41852-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч., Ваз-2106 русумли, д/р 01 S 684 EA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 946 600 сўм. 6. № 10139-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и/ч., Ваз-2106 русумли, д/р 11 O 9459 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 835 800 сўм. "Кўктерак Матлубот Инвест" МЧЖда сақланмоқда. 7. № 6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч., Ваз-21016 русумли, д/р 10 G 238 BA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 941 433 сўм. Зангиота туман ЙХХБга қарашли жарима майдончаси Назарбек Қ.Ф.Й.да сақланмоқда. 8. № 228-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч., Ваз-21011 русумли, д/р 10 M 223 AA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 188 000 сўм. "Бурхон Савдо" МЧЖ Зангиота тумани Кўксарой қ.ф.й. Шифобахшсувлар кўчасида сақланмоқда. 9. № 6229/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., Ваз-2106 русумли, д/р 10 W 594 CA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 127 878 сўм. Зангиота туман СИБда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 10 январ куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 10. Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан № 12919/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й.и/ч., Ваз-2106 русумли, д/р 10 K 269 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 831 000 сўм. 11. № 12919/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й.и/ч., Ваз-2106 русумли, д/р 01 Z 340 JA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 782 000 сўм. "Бурхон Савдо" МЧЖда сақланмоқда. 12. № 14242-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й.и/ч., "Daewoo Nexia" русумли, д/р X 370 WEM бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 704 000 сўм. Зангиота туман СИБда сақланмоқда. 13. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 28.09.2012 й. № 11-1235/10857-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й.и/ч., "Камаз" русумли, д/р 11 AT 155 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 25 000 000 сўм. "Кристал" ИЧФ Бўстонлиқ тумани ўазалкент шаҳарда сақланмоқда. 14. Бектемир тумани СИБ томонидан 14.08.2012 й. № 1-2158-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й.и/ч., "Мерседес-Бенц-180 Е" русумли, д/р 01 C 770 AA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм. 15. Миробод тумани СИБ томонидан 12.11.2012 й. № 35995/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й.и/ч., "Лада 21070-120-21" русумли, д/р 01 Q 728 BA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 11 200 000 сўм. 16. 08.10.2012 й. № 34268/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й.и/ч., "Даймлер Крайслер" русумли, д/р 10 A 737 AA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 82 000 000 сўм. 17. 08.10.2012 й. № 34270/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й.и/ч., "Ваз-21063" русумли, д/р 01 Z 483 FA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 208 945 сўм. 18. 12.11.2012 й. № 35997/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й.и/ч., "Ваз-2105" русумли, д/р 10 S 959 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 204 943 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланмоқда. 19. 08.10.2012 й. № 34271/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й.и/ч., "Нексия Донс 2" русумли, д/р 01 S 736 JA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 28 174 900 сўм. 20. Тошкент шаҳар Худудий Бошқармаси томонидан 13.06.2012 й. № 1-83/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й.и/ч., "Нексия" русумли, д/р 30 O 8131 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 414 000 сўм. "Нумизматика" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 28 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 28 январь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 12 февраль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

**Гувоҳнома 004593.**







**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ «ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН 2013 ЙИЛДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ УЧУН ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА**

**Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2013 йилда фойдаланганлиги учун қўлланадиган ижара тўловининг энг кам ставкалари**

| т/р | Фаолият тури кодлари | Ижарага берилаётган майдонларда фойдаланиш мақсади | Бир йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм |
|---|---|---|---|
| | | **Саноат** | |
| 1 | 11 200 | Ёқилғи саноати | 2 500 |
| 2 | 13 100 | Кимё саноати | 2 500 |
| 3 | 13 300 | Нефть-кимё саноати | 2 500 |
| 4 | 14 100 | Машинасозлик | 2 500 |
| 5 | 14 200 | Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати | 2 500 |
| 6 | 14 300 | Ҳисоблаш техника воситалари саноати | 2 500 |
| 7 | 14 400 | Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги | 2 000 |
| 8 | 14 500 | Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги | 2 000 |
| 9 | 14 600 | Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги | 2 000 |
| 10 | 14 710 | Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш | 2 500 |
| 11 | 14 800 | Металл конструкция ва буюмлар саноати | 2 500 |
| 12 | 14 900 | Машина ва ускуналарни таъмирлаш | 2 500 |
| 13 | 14 780 | Машинасозликнинг бошқа тармоқлари | 2 500 |
| | | **Ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати** | |
| 14 | 15 100 | Ўрмон, ёғоч тайёрлаш саноати | 2 500 |
| 15 | 15 200 | Ёғочни қайта ишлаш саноати | 2 500 |
| 16 | 15 300 | Целлюлоза-қоғоз саноати | 2 500 |
| 17 | 16 100 | Қурилиш материаллари саноати | 2 500 |
| | | **Енгил саноат** | |
| 18 | 17 100 | Тўқимачилик саноати | 2 500 |
| 19 | 17 200 | Тикувчилик саноати * | 2 500 |
| 20 | 17 300 | Чарм, мўйна ва пойабзал саноати | 2 500 |
| 21 | 17 900 | Енгил саноатнинг бошқа соҳалари | 2 500 |
| | | **Озиқ-овқат саноати** | |
| 22 | 18 100 | Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари) | 2 500 |
| 23 | 18 200 | Гўшт ва сут саноати | 2 500 |
| 24 | 18 300 | Балиқчилик саноати | 2 500 |
| 25 | 19 210 | Ун-ёрма саноати | 2 500 |
| 26 | 19 220 | Комбикорм саноати | 2 000 |
| 27 | 19 700 | Саноатнинг бошқа тармоқлари | 2 500 |
| | | **Саноатнинг бошқа тармоқлари** | |
| 28 | 19 300 | Тиббиёт асбоблари саноати | 2 500 |
| 29 | 19 400 | Нашриёт саноати | 7 000 |
| 30 | 19 740 | Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш* | 3 000 |
| 31 | 19 900 | Саноатда хўжалик бошқаруви | 7 000 |
| | | **Қишлоқ хўжалиги** | |
| 32 | 21 100 | Ўсимликчилик (шу жумладан, иссиқхона хўжалиги) 1 га | 1 000 000 |
| 33 | 21 200 | Чорвачилик | 1 200 |
| 34 | 21 300 | Балиқчилик (шу жумладан, питомниклар) 1 га | 1 000 000 |
| 35 | 22 200 | Ветеринария хизмати | 2 500 |
| 36 | 22 300 | Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи бошқа ташкилотлар | 2 500 |
| 37 | 30 000 | Ўрмон хўжалиги (шу жумладан, боғлар) 1 га | 1 000 000 |
| | | **Транспорт ва алоқа** | |
| 38 | 51 111 | Умумфойдаланишдаги ер усти темир йўл транспорти | 2 500 |
| 39 | 51 121 | Автомобиль хўжалиги (автосарой, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гаражлар, автомобилларни ювиш шахобчалари) | 2 500 |
| 40 | 51 520 | Аҳолининг буюртмаси бўйича юк ташиш хизмати ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари | 4 500 |
| 41 | 52 100 | Почта алоқаси | 2 500 |
| 42 | 52 200 | Курьер хизмати | 5 000 |
| 43 | 52 300 | Электр-симли алоқа | 5 000 |
| 44 | 52 300 | Электр, радио, уяли ва пейжинг алоқаси (торткич қозиқларининг умумий периметри бўйича, иншоот ва техник ҳудудлари қўшилган ҳолда) | 21 000 |
| | | **Қурилиш** | |
| 45 | 60 000 | Қурилиш | 2 500 |
| 46 | 66 000 | Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари | 2 500 |
| | | **Савдо ва умумий овқатланиш** | |
| 47 | 71 100 | Улгуржи савдо | 7 000 |
| 48 | 71 130 | Товар (хизмат)ларни партияларга бўлиб сотиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи улгуржи бозор | 18 000 |
| 49 | 71 200 | Чакана савдо | 7 000 |
| 50 | 71 300 | Умумий овқатланиш * | 7 000 |
| 51 | 71 200 | Китоб дўконлари * | 1 000 |
| 52 | 71 400 | Маданий-маиший мақсадда ва хўжалик фаолиятда ишлатиладиган буюмларни ижарага бериш | 7 000 |
| 53 | 71 500 | Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати | 11 000 |
| 54 | 80 000 | Моддий-техника таъминоти ва савдоси | 7 000 |
| 55 | 82 000 | Ахборот-хисоблаш бўйича хизматлар кўрсатиш | 7 000 |
| 56 | 82 100 | Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш | 7 000 |
| 57 | 83 000 | Кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар | 7 000 |
| 58 | 84 300 | Реклама, вакиллик хизмати | 7 000 |
| 59 | 84 400 | Аудиторлик фаолияти | 7 000 |
| 60 | 84 500 | Маркетинг тадқиқот, тижорат, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари | 7 000 |
| 61 | 85000 | Ер қаъри конларини қидириш ва геологик ўрганиш, геодезия ва гидрометеорология хизмати | 12 500 |
| 62 | 87 100 | Таҳририят ва нашриётлар | 4 000 |
| 63 | 87 300 | Металл чиқиндилари ва чиқинди хом ашёларни йиғиш ва тайёрлаш | 4 000 |
| 64 | 90 100 | Уй-жой хўжалиги (Уй-жой мулкдорлари ширкати объектлари) | 4 000 |
| 65 | 90 220 | Меҳмонхона хўжалиги | 8 000 |
| 66 | 90 300 | Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари | 4 000 |
| 67 | 90 300 | Сартарошхона, суратхона, модалар ательеси, пойабзал тузатиш | 6 000 |
| 68 | 90 300 | Ломбардлар | 9 000 |
| 69 | 90 300 | Ҳаммомлар | 12 000 |
| 70 | | Сауна ва бассейнлар | 24 000 |
| | | **Соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият ва ижтимоий таъминот** | |
| 71 | 91 510 | Соғлиқни сақлаш | 5 000 |
| 72 | 91 600 | Дам олиш ва сайёхлик * | 5 000 |
| 73 | 91 611 | Маданий кўнгилочар марказлар (бильярдхона, ўйин автоматлари, дискотека ва б.) | 8 000 |
| 74 | 91 700 | Жисмоний тарбия ва спорт * | 2 500 |
| 75 | 71 212 | Дорихона муассасалари**, оптика ва тиббиёт жиҳозлари савдо дўконлари | 4 000 |
| | | **Таълим** | |
| 76 | 92 100 | Олий ва ўрта-махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш (жумладан, ўқув курси ҳам)* | 4 000 |
| 77 | 92 200 | Ишчи ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш* | 3 500 |
| 78 | 92 310 | Умумтаълим болалар мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун) * | 2 000 |
| 79 | | Таълим ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкиллаштириш * | 2 500 |
| 80 | 92 400 | Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун) | 2 000 |
| 81 | 93 000 | Маданият ва санъат * | 7 000 |
| 82 | 93 132 | Кўргазмалар | 6 000 |
| 83 | 93 160 | Маданий ва дам олиш боғлари * | 5 000 |
| 84 | 93 170 | Ҳайвонот ва ботаника боғлари * | 5 000 |
| 85 | 93 180 | Телекўрсатув ва радиоэшиттириш таҳририятлари (редакциялари) | 5 000 |
| 86 | 93 620 | Киностудия, овоз ёзиш студиялари | 8 000 |
| 87 | 95 000 | Илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш | 3 000 |
| | | **Молия-кредит фаолияти** | |
| 88 | 96 000 | Молия, кредит, (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) нафақа таъминоти | 7 000 |
| 89 | 96 100 | Банк фаолияти | 7 000 |
| | | **Фаолиятнинг бошқа турлари** | |
| 90 | 96 200 | Суғурталаш | 7 000 |
| 91 | 97 800 | Суд ва ҳуқуқ хизмати | 6 000 |
| 92 | 97 820 | Адвокатлик ҳайъати ҳамда ҳуқуқий маслаҳатхоналари | 6 000 |
| 93 | 98 000 | Жамоат бирлашмалари | 2 000 |
| 94 | 80 200 | Омборхона бино ва иншоотлари | 7 000 |
| 95 | | Давлат корхоналари учун офис | 3 000 |
| 96 | | Хусусий ташкилотлар учун офис | 11 000 |
| 97 | | Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари | 8 000 |
| 98 | | Енгил автомобиль ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва тех. хизмат кўрсатиш | 8 000 |
| 99 | | Ер ва тупроқ хусусиятлари тадқиқот лабораторияси | 5 000 |
| 100 | | Турли хил хизматлар учун тўловлар (пайнет) | 20 000 |
| 101 | | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида савдо фаолияти | 11 000 |
| 102 | | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида умумий овқатланиш* | 9 500 |
| 103 | | Авиакасса (шу жумладан, темир йўл, транспорт ва бошқа) | 11 000 |
| 104 | | Банкоматлар | 100 000 |
| 105 | | Нон ва булочка маҳсулотларини тайёрлаш | 7 000 |

* Вилоятнинг чекка қишлоқ ва тоғли ҳудудларида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулклардан фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдори 25 фоизга камайтирилади.

** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сон мажлис Баённомасининг 11-бандига мувофиқ мулкий шаклидан қатъи назар, дорихона муассасаларининг филиаллари ҚВП биноларида фаолият кўрсатаётганлиги учун ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг таркибий қисмлари учун ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисм ва муассасалари ҳудудларида жойлашган кўчмас давлат мулкидан фойдаланганда ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

**** Бино ва иншоотларга бириктирилган (ажратилган) майдонларида (асфальтланган ёки бетонлаштирилган) электр, радио, уяли ва пейжинг алоқа антенналари ўрнатилганда фойдаланиладиган майдони учун ижара ҳақи тўловлари бино ва иншоотларга ўрнатилган антенналар учун белгиланган ижара ставкалари бўйича ҳисобланади. Бунда, қурилиш тури бўйича коэффициенти (Кқ) қўлланилмайди.

**Ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар**

**1-Ҳудудий зоналар коэффициенти**

| Т/р | Шаҳар ва туманлар номи | Зоналар | Ҳудудий зоналар коэффициенти |
|---|---|---|---|
| 1 | Олмалиқ шаҳри<br>Ангрен шаҳри<br>Чирчиқ шаҳри<br>Бекобод шаҳри<br>Зангиота тумани<br>Қибрай тумани | 1-2-3-4 зона | 1-зона -2,7<br>2-зона– 2,5<br>3-зона– 2,2<br>4-зона– 1,8 |
| 2 | Янгийўл тумани<br>Бўстонлиқ тумани | 1-2-3-4 зона | 1-зона -2,3<br>2-зона– 2,0<br>3-зона– 1,8<br>4-зона– 1,5 |
| 3 | Қолган туманлар<br>(жами 10 та) | 1-2-3-4 зона | 1-зона -1,8<br>2-зона– 1,7<br>3-зона– 1,6<br>4-зона– 1,5 |

**2-Қурилиш тури бўйича коэффициенти (Кқ):**

– алоҳида турган бино – 1,5;
– бинонинг ички қисмида жойлашган ва тақаб қурилган – 1,0;
– бинонинг юқори қисми, чердак, болахона – 0,7;
– ярим ертўла, ертўла – 0,5.

**3-Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (Кх):**

– ер майдони мавжуд бўлганда – 0,8.

**4-Тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (Ко):**

– асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда – 0,5;
– иккинчи даражали автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда – 0,4.

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

**Тс = Эс * Кз * ( Кқ+Кх+Ко).**

бунда:
Тс– бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.
Эс– бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.

**Туман ва шаҳарлар марказларидан олисда ва тоғли ҳудудларда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларининг РЎЙХАТИ**

| Т/р | Маҳалла фуқаролар йиғини номи |
|---|---|
| | **Паркент тумани бўйича** |
| 1 | Янги МФЙ |
| 2 | Юқори МФЙ |
| 3 | Чинорли МФЙ |
| 4 | Қирғизовул МФЙ |
| | **Қуйи Чирчиқ тумани бўйича** |
| 5 | Гул МФЙ |
| 6 | Кушек МФЙ |
| 7 | Эркин МФЙ |
| | **Бекобод тумани бўйича** |
| 8 | Туркман МФЙ |
| 9 | Найман МФЙ |
| 10 | Ачамайли МФЙ |
| 11 | Пахтакор МФЙ |
| | **Бўка тумани бўйича** |
| 12 | Зафаробод МФЙ |
| 13 | Ровот МФЙ |
| 14 | Ўрта-тепа МФЙ |

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Юнусобод тумани СИБ томонидан 08.10.2012 й. № 21270-72/15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Темур – О. Зокиров кўчаси, 9-уй, 26-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 100 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 28 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк 2013 йил 28 январь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 12 февраль куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

**Лицензия: RR-0052.**

Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2012 йил 5 январдаги 002800-11 сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "ROHINURAVSHON-SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 26 219 714 сўмдан 15 798 498 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент вилоят Давлат педагогика институти томонидан 1983 йилда Иброхимова Равшан Юнусовна номига берилган ЖВ-I № 194005 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (СТИР 301032014) "DVERI AKBAR INVEST" масъулияти чекланган жамияти Тошкент вилояти Янгийўл тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (СТИР 301991452) "GRAND AKBAR INVEST" МЧЖ таркибига тўлиқ бирлаштирилишини ҳамда "GRAND AKBAR INVEST" МЧЖ "DVERI AKBAR INVEST" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг тўлиқ ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади. Тел.: (8370) 602-82-88.

ООО "NEW ORIGINAL TRADE" (ИНН 302203844), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Сергелийского района (Сергели, ул. А. Ахматовой, 1) г. Ташкента за реестровым № 003346-06 от 13.02.2012 года, расположенный по адресу: массив Сергели, 8-А, дом 22, кв. 41, решением учредителя № 1 от 04.12.2012г., самоликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления по почтовому адресу.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ СОВРИНИ

# АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА

**Вилоятимизда болалар спорти билан бир қаторда аёллар спорти ҳам йил сайин кенг оммалашмоқда. Муҳими шундаки, кейинги пайтларда спортнинг оммавий турлари билан мунтазам ва жиддий шуғулланаётган аёллар сафи тез кенгайиб бораяпти. Бу бежиз эмас. Биринчидан, нафақат шаҳарлар, балки туман марказлари ва қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, турли тўгараклар ишлаб турибди.**

Иккинчидан, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси соҳага алоқадор бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда йил бўйи турли даражада спорт мусобақалари уюштирмоқда.



Қурилаётган ушбу чора-тадбирлар ўз самарасини бераяпти. Спорт нафақат болалар ва аёллар, балки бутун аҳоли саломатлигини яхшилаш ва фаоллигини ошириш имкониятини бермоқда. Жумладан, аёллар ўртасида вилоят ҳокими кубоги учун мунтазам ўтказилаётган анъанавий волейбол ва баскетбол мусобақалари соғлом турмуш тарзини амалий тарғибот-ташвиқот қилиш воситасига айланди.

Вилоят ҳокими кубоги учун эркак ва аёллар ўртасидаги навбатдаги анъанавий мусобақа Ўрта Чирчиқ туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг спорт мажмуасида ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси уюштирган мусобақада аввалги кўплаб турнирларда бир неча бор ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган жамоалар иштирок этгани боис кубок учун кураш шиддатли ва муросасиз кечди.

Эркаклар жамоалари ўртасида чирчиқлик баскетболчилар энг юқори натижа кўрсатиб, вилоят ҳокими кубогини қўлга киритишди. Олмалиқликлар кумуш, бекободликлар бронза медалларига сазовор бўлишди. Аёллар ўртасида Олмалиқ шаҳри жамоаси турнир ғолиби бўлди. Совринли иккинчи ва учинчи ўринларни Чирчиқ ва Бекобод жамоалари эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорларга вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

МАЪНАВИЯТ

# «МЕҲРИСТОН»ГА ЧОРЛАЙДИ ШОИР...

"Яхши шеър – кўнгилнинг тумори. У қалбни ҳамишаликка макон тутади..." дейди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир Ашурали Боймуроднинг "Меҳристон" деб номланган янги шеърий тўпламига ёзган сўзбошисида.

Дарҳақиқат, вилоятимиз адабий муҳитида ўз сўзи, ўз ўрни бор Ашурали Боймуроднинг кўнгил туморлари бисёр. Унинг "Табиат сеҳри" (1990), "Сайҳун соҳилидаги шаҳар" (1995), "Садоқат" (1998), "Соғинч" (2002), "Бекобод жаҳонгири" (2003), "Муаллим" (2005), "Меҳр" (2006), "Мирзо Бобур" (2008), "Қушлар тилга кирганда" (2010) ва "Меҳристон" (2012) каби шеърий ва публицистик китобларининг ҳар саҳифасида муаллифнинг кўнгил туморлари жилваланиб туради. Бу жилваларда аввало она юрт меҳри, садоқат сеҳри мавжуради:

*Ватан магар бир тан бўлса,*
*томирида қон ўзим,*
*Унинг ҳар бир гиёҳию*
*тошларига жон ўзим.*
*Ватан магар дарё эрур,*
*кўксимиз қирғоқлари,*
*Билки унга керак мудом*
*биз каби уйғоқлари!*
*Кўзга суртгум бу диёрнинг*
*жаннатий тупроқларин,*
*Омон сақлай, то тирикман*
*садоқат қирғоқларин.*

Шоирларда бир камтарона лутф бор: "ошиқ кўнгил". Уни баъзан "телба кўнгил" ҳам дейишади. Муаллифнинг ҳар бир шеърини таъбир жоиз бўлса, ўша ошиқлик – табиат ва инсонга бўлган адоқсиз меҳр чашмаси дейиш мумкин. Алалхусус ошиқ кўнгилда асло ғубор бўлмайди. Эзгуликдан ўзгани тан олгиси келмайди:

*"Асли, сени меҳрдан*
*Қўрғон қилиб қурдилар.*
*Ўн икки дарвозангда*
*Огоҳ бўлиб турдилар.*

*Минг йилларким, ўзбекнинг*
*Пешонаси ўзингсан,*
*Сен меҳрнинг гўшаси,*
*Кошонаси ўзингсан.*

*Қодирийлар Ватани,*
*Ойбеклар бешигисан.*
*Асли сен истиқлолнинг*
*Азалий Қўшиғисан.*
*("Тошкентим")*

Инсон – эътиқоди, эзгуликка ошнолиги билан инсон. Акс ҳолда бошқа мавжудотлардан фарқи қолмаган бўлар эди. Аммо бу фазилатлар барчага бирдек насиб этмаган. Кимнинг қонига, кимнинг жонига, онгу шуурига нур берган бу неъматлар Ашурали Боймуроднинг ижод йўлларини ёритиб тургани шубҳасиз.

*"Кўзим қаросини сиёҳ*
*айладим,*
*Юрак дардларини бир*
*оҳ айладим*
*Танимни ўлдириб тупроққа*
*қўйдим,*
*Ўзимни Ватанга гиёҳ*
*айладим...*

"...Умуман, Ашуралининг шеърлари самимий ёзилган, – дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али унинг "Меҳр" деб аталган сайланмасига ёзган сўзбошисида. – Уларда жумбоқ бўладиган сатрлар, "доно"ликка даъволар мутлоқ йўқ..."

Аслида ҳам самимиятни – маънавиятимизнинг энг ёрқин юлдузи, уни ҳақиқатнинг жонажон дўсти дейиш мумкин. Шоир шеърларида шу икки дўстнинг ширин суҳбатлари қулоққа чалинади, ҳақиқат манзаралари, самимият садолари аллалаган инсоний туйғулар, одамийлик шевалари муаллифнинг суратию сийратидан дарак бериб туради. У образли қилиб айтганда: олтин балиқдан бойлик эмас "бир ҳовуч меҳр" сўрайди. Унинг меҳрга ташналиги, чанқоқлиги бежиз эмас. Бу бебаҳо неъмат унинг ҳар бир сатрига жон бағишлайди. Шеърлари орқали ўз туйғуларини, бор меҳрини одамларга улашади, Ватани пойига пояндоз қилади. Шунинг учун ҳам борлиғини бахш этишга тайёр Ватанини "Меҳристон" деб атайди:

*Юртим, ёзганларим*
*дилимдир менинг,*
*Сир билан Амудан*
*сув ичиб ўтган.*
*Меҳрли одамлар*
*Элимдир менинг.*

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шоирликни аввало улкан бахт, қолаверса, тоғдек масъулият деб тушунадиган Ашурали Боймурод чорак асрдан буён Ватан ишқи, юрт меҳри, истиқлол нашидаси билан яшайди, ижод қилади. Муҳими, нияти холис, шеърларининг қадри баланд. Уларда ҳаёт нафаси, меҳр чашмаси, садоқат садоси янграб туради.

*...Қадрни қўшайлик ҳар*
*дамга,*
*Меҳрни бахш айла одамга,*
*Шукрона айта бил Ватанга,*
*Эзгулик абадий, азалдир,*
*Хотира уйғонса гўзалдир.*

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

## КИКБОКСИНГЧИЛАРИМИЗ ИККИНЧИ ЎРИНДА

**Қозоғистон Республикаси Сайрам туманида МДҲ мамлакатлари ўртасида кикбоксинг бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизнинг ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаси сафида Янгийўл туманидаги 71-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ҳам мураббий Абдуфаттоҳ Шерматов бошчилигида муваффақиятли иштирок этиб қайтдилар.



Спорт мактаби тарбияланувчиларидан Санжар Обиджонов 75 кг. вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган бўлса, Улуғбек Гадоев 81 кг. вазнда бронза медалига эгалик қилиб, мамлакатимиз терма жамоасининг умумжамоа ҳисобида Қозоғистондан кейин иккинчи ўринни эгаллашига ҳисса қўшдилар.

**Расул КУШЕРБОЕВ.**

## ЁШ МЕРГАНЛАР БАҲСИ



Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Юқори Чирчиқ туман кенгаши ўқув спорт техника клуби, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида 7-умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича мусобақа ўтказилди.

Мерганлик бобида бир-биридан қолишмаган Александр Савельев биринчи, Жаҳонгир Саидғаниев иккинчи, Рузалья Муҳамадиева учинчи ўринни эгаллаб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Гавҳар СУЯРҚУЛОВА.**

## САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

Шу кунларда умумтаълим мактабларида қўшалоқ байрам нишонланмоқда. Зангиота туманидаги 25-умумтаълим мактабида Янги йил байрами арафасида "Саводхонлик кечаси" ҳам бўлиб ўтди. Кечада эндигина "Алифбе" китобини тугаллаб, ҳижжалаб ўқишни бошлаган кичкинтойлар ўзлари ёдлаган шеър, ўрганган қўшиқлари ҳамда чиройли рақслари билан йиғилганларни хушнуд этишди.



ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# УЧАРЛАР ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

Куяси келса, чипқон бир дамда кўриниш бераркан, дард ич-этингни еб, суробингни тўғрилаб қўяркан. "Янгийўл туман электр тармоқлари корхонаси" давлат акциядорлик корхонасини туппа-тузук бошқариб келаётган уч фарзанднинг отаси Ҳамидулла Шокиров билан Чиноз магистраль корхонаси директорининг ўринбосари лавозимида ишловчи, тўрт фарзанднинг отаси Давронбек Қосимовларнинг чароғон ҳаётлари бир асонда зимистонга айланди. Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг ҳукми билан уларнинг биринчиси 2 йил муддатга ташкилий-бошқарув ва маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари ҳукм қонуний кучга киргач, ундан жами 35 миллион 400 минг сўмга яқин миқдордаги турли кўринишда етказилган зарар ундириладиган бўлди.

Иккинчи жиноятчи – Давронбек Қосимов бирмунча енгилроқ қутулди. 2 йил бошқарув ва раҳбарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 20,4 миллион сўмга яқин жарима жазоси тайинланди.

Нега шундай бўлди? Аслида улар олдинма-кейин фақат бир йилдангина Қуйи Чирчиқ туманидаги ЙХПТФДКга раҳбарлик қилишган эди-ку? Ҳа, улар бу корхонани жуда қисқа муддат бошқаришди. Лекин нафс ўпқон бўлгач, на чора!

Ҳамидулла Шокиров 2009 йил 21 июндан атиги 2010 йил 24 июнгача раҳбарлик лавозимида ишлади. Лекин у вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига 31,5 миллион сўм зарар етказиши, 3,2 миллион сўмга яқин иш ҳақи ва деярли 2 миллион сўмлик дизель ёқилғисини талон-торож қилиши учун шу муддат етарли бўлди. Бунинг учун Оҳангарон каналининг муҳофаза қилинадиган қирғоғидан шағални машиналарга орттириб, "Асиё Атлант" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш қувватларида майдалатиб, тайёр маҳсулот – чақмоқ тош ва қумни номаълум шахсларга сотиш билан шуғулланди. Экскаваторчи Эркабой Бабанов, ҳайдовчилардан Санжар Усмонов билан Ғайрат Уришбоев судда бунинг учун Ҳамидулла Шокиров тегишли рухсатномага эга эмаслигини билмаганликларини эътироф этишди.

Лекин тергов жараёнида Ҳамидулла Шокировнинг бошқа жиноий ишлари ҳам аён бўлиб қолди. Чунончи, у ўз мансабига совуққонлик билан қараб, лавозим вазифаларини бажаришга лоқайдлик ва виждонсизларча муносабатда бўлган. Оқибатда солиқ қонунчилиги бузилишига йўл қўйган. Солиқ идорасига топширилган ҳисоботларда фақат бир йилги якун бўйича корхона тушумларини 71,4 миллион сўмга кўпайтириб кўрсатган. Натижада ортиқча солиқ ва тўловлар амалга оширилиб, корхонага кўп миқдорда зарар етказилган.

Ўз лавозим вазифаларини етарли даражада эътибор билан бажармаслиги оқибатида тўлов муддати бир йил кечиккан 57,4 миллион сўмликка яқин дебиторлик ва 136,2 миллион сўмдан зиёд ва муддати 3 йилдан ўтган 5,3 миллион сўмдан ортиқ кредиторлик қарздорлиги юзага келган. Иш ҳақидан 223,7 миллион сўм қарздорликка йўл қўйилган. Фақат биргина фуқаро М. Пармоновга 2009-2010 йиллардаги меҳнати учун корхона 3 миллион 213 минг сўмдан кўпроқ қарздор бўлиб қолган.

Қизиғи шундаки, Ҳамидулла Шокировдан кейин 2011 йил 20 июлгача Қуйи Чирчиқ туман ЙХПТФДКга раҳбарлик қилган Давронбек Қосимов жиноий хатти-ҳаракатларининг хусусияти бошқача. Чунки у бу борада ҳийла тажрибалироқ эди. Негаки, унга илгари жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг ҳукми билан уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, унинг муддати ўтаб бўлинган, судланганлик ҳолати тугалланганди.

Яна раҳбарлик лавозимига тайинлангач, ўша тажриба қўл келиб қолди. Бахтни қарангки, у 3 та автомобиль йўлида ўрта таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 150,7 миллион сўмдан зиёд



маблағ ўтказиб берилганидан фойдаланиб қолишга жазм қилди. Ҳеч қандай иш бажарилмаганини билгани ҳолда гўёки иш ҳақи ва солиқ учун жами 30 миллион сўм ўтказиб юборган. Бундан ташқари ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, бошқа бир "иш" бўйича 18 миллион сўмни иш ҳақига ноқонуний тарқатиб юборган.

Лекин жиноий ишларни пинҳона бажаришга уста бўлиб кетган Давронбек Қосимовнинг бошқа бир кирдикори олдида булар ҳеч гап эмас. У "майда-чуйда" билан ўралашмай, йирик, салмоқли "иш"ларни кўзларди. Тез орада шундай имкон туғилди. Олиб кетиш муддати 2010 йил 31 декабрь кунига белгиланган шартнома тузиш мумкинлиги аён бўлиб қолди. 2010 йил 30 сентябрда "Асиё Атлант" МЧЖ раҳбари Х. Пашаев билан у 91,6 миллион сўмликка яқин қийматдаги қум, чақмоқ тош ва тупроқ сотиб олиш хусусидаги шартномани имзолади. Шу ҳисобдан МЧЖ ҳисоб рақамига 26 миллион сўм ўтказиб, ҳисоботларда маҳсулотлар ўз вақтида олинмаганлиги ва дебитор қарздорлигини кўпайтириб кўрсатиб, бу маблағни талон-торож қилиб юборган.

У онгли равишда содир этган бошқа баъзи жиноятларни бир четга қўйиб турайлик-да, унинг айби билан иш ҳақидан тўпланиб қолган 223,7 миллион сўмликдан (!) ортиқроқ қарзнинг ўзини олиб кўрайлик. Бу жавобгарликни мутлақо ҳис қилмаслик оқибатидан бошқа нарса эмас. Тергов ишлари якунланиб, бу жиноий ишлар судда кўрила бошлангач, Ҳамидулла Шокиров ҳам, Давронбек Қосимов ҳам ўзларини ҳар ёққа уришди, жиноятларини хаспўшлаш учун кўп уринишди. Валломат раҳбар Ҳамидулла Шокиров "машиналарга шағал юклаш хусусида Эркабой Бабановга ҳеч қандай буйруқ бермаганман" дейишгача бориб етди.

Судланувчи Давронбек Қосимов ўз айбларини хаспўшлашда ундан ҳам ўтиб кетди. Ҳар бир кўрсатмасини "хабарим йўқ", "билмайман" деган сўзлар билан тугатарди. Фуқаровий даъвогар ва гувоҳлар Абдумуталиб Абдуҳолиқов, Ёқубжон Маъмуров, Саидваққос Қораев ва бошқалар судланувчиларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини асосли далилларга таяниб очиб ташлашди. Ниҳоят, суд саракни-саракка, пучакни-пучакка ажратди, судланувчиларнинг қилмишларига қараб қонуний, асосли жазо чораларини белгилади.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

РАССОМ ХАНДАСИ




cartoon.kulichki.com

# ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

**Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг жорий йил якунларига бағишланган "Ҳамжиҳатлик ҳикмати" мавзуида ҳисобот online-анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда йил давомида ташкилотнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча лойиҳаларида қатнашган маданият, санъат, фан, таълим, спорт соҳаларининг вакиллари, ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар ҳамда хорижий ва маҳаллий журналистлар иштирок этди.

Еттинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг жорий йилдаги маданий ва ижтимоий фаолияти натижаларига бағишланди. Тадбирда жамғарма томонидан ўтказилган лойиҳаларнинг энг ёрқин дамлари акс этган фотокўргазма ҳам намойиш этилди.

Анжуманда янги режалар, лойиҳалар ва ғоялар юзасидан турли жамоат ташкилотлари билан фикр алмашинилди. Йилдан йилга савол берувчилар ва уларга жавоб бериш истагидаги инсонларнинг ҳам сони ортиб бормоқда. "Ҳамжиҳатлик ҳикмати" шиори остида ўтказилган online-анжуман 2012 йилнинг сарҳисобигина бўлиб қолмай, келаётган 2013 йил учун ҳам илҳом манбаи бўлиши, анъаналар узвийлиги асосида келажак тамал тошларини қўйиши шубҳасиз.

**"Туркистон-пресс".**

ЭЪЛОН

Утерянный аттестат о среднем образовании V № 2284829, выданный 26.06.2006 году средней школой № 270 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Аманбаевой Ироды Пардабаевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Адвокатское бюро "PEACE WINDS", зарегистрированное 26.11.2011 году (удостоверение TN № 000489) Ташкентским городским юстиции, расположенное по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Абая, дом 6 (ИНН 207093911), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение учредителя № 1 от 24.12.2012г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления.

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 1 августда Набиев Шухрат Абдимиталович (ИНН 602469648) номига якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун берилган реестр рақами 0515077, гувоҳнома рақами 05-13143 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 4 апрелда Норимов Фарход Нигматуллаевич (ИНН 443630882) номига якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун берилган реестр рақами 0514551, гувоҳнома рақами 05-12617 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "OVERMAX" масъулияти чекланган жамиятининг 2008-2012 йилгача бўлган молиявий ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"UCHQUDUQ-KO`KCHA" хусусий корхонаси, аввал Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 2006 йил 19 октябрдаги 001530-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган, мулкчилик шакли "UCHQUDUQ-KO`KCHA" хусусий корхонасидан "UCHQUDUQ-KO`KCHA" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилишини маълум қилади.

Чиноз туманидаги "STOMA" хусусий корхонаси (ИНН 201729690) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРУИ томонидан рўйхатга олинган, Ш.Руставелли 100 манзилида жойлашган, СТИР 205202640 бўлган «GARDE-BIZNES» хусусий корхонаси тугатилади. Маълумот учун тел.: 511-85-41.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1242. Адади 6837. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10. 12345